



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

1998 йил, 13 ноябрь № 44 (424)

Сотувда нархи эркин

АЛОҚАЧИЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Кейинги пайтларда мамлакатимизда спортни ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда.

«Телеком» акционерлик компанияси ҳамда Республика алоқа



Хозир Сурхондарё вилоятида 55 та газета-журнал сотадиган дўкон фаолият курсатиб турибди. Ана шу дўконлар сони кейинги йилларда ўсмади. Аксинча 6 та камайди. Агар эътиборсизлик даражаси ошиб бораверса газетхон ва журналхонларнинг ушбу хизмат манзилдан батамом айрилиб қолишлари ҳеч гап эмас?! Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган «ҳангома»лар ўша таш-

қадимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси томонидан ташкил этилди. Ушбу мусобақанинг очилиш маросимда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Ҳ. Жўрабоев ва Республика алоқа



нинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб турилибди. Ана шундай турнирлардан бири Тошкент Алоқа коллежида бўлиб ўтди. Унда Бухоро вилоятидан ташқари барча вилоятлар электралоқа корхоналаридан спорт ишқибозлари иштирок этишди. Мазкур спартакиада «Маҳаллий

ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Т. Ҳ. Назаржоновлар сўзга чиқишди. Турнирда алоқачилар спортнинг мини футбол, стол тенниси, шахмат, дартс, арқон тортиш каби турлари бўйича ўзаро куч синашишди.

З. ЁҚУБОВ.

нафақат вилоят, балки республикамизнинг нуфузли ташкилотларига ҳам етиб борди. Барибир ёрдам бўлмади.

Жаркўргондаги газета дўконлари ҳам бир жойдан кўним топполмаяпти. Собик бошбекат ёнидаги дўкон охири болалар дунёси магазини қошига жойлашди. Деҳқон бозорига ёндош дўкон эшиги эса камданкам очиладиган бўлиб қолган. Термиз шаҳрининг 4-мавзеси-

ларни харид қилиб олишарди. Энди эса ҳафсаласи пир бўлиб қайтишмоқда. «Иссиқ нон» дўкони ёнида ўрнатилган газета дўконининг ҳозир қаердалигини ҳеч ким билмайди.

Ҳўш, нега маҳаллий ҳокимликлардаги мутасаддилар бундай ташвишли ҳолларга панжа орасидан қараб келишмоқда? Ҳамма гап, уларнинг дў-

• Ранжнама

ГАЗЕТА ДЎКОНЛАРИ НЕГА КЎЧИРИЛМОҚДА?

вишли кунлар яқинлигидан дарак бериб турибди.

Денов шаҳри марказидаги газета дўкони юзлаб муҳлис-ларга эга эди. Чунки бу ердан истаган матбуот нашрини топиб, кундалик янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлинарди. Қутилмаганда шаҳар ҳокимлиги уни тезда кўчиришга кўрсатма берди. Матбуот тарқатувчи опанинг дод-войи инобатга олинмади. Кичик ёғоч хужрага катта шаҳар марказидан жой топилмади. Топилмади эмас, атайин берилмади. У аҳоли гавжум бўлмаган жойга кўчирилди.

Бу ноўрин иш ҳақидаги гап

даги дўконлар тинчи бузилганига ҳам анча бўлди. Янги қурилишлар сабаб гоҳ уён, гоҳ бўён кўчирилавериш натижасида газета дўконларига зил кета бошлаганлигини асло сир тутиб бўлмайди.

Дўконларнинг хор бўлганлигини кўраман десангиз Қумқўргонга келинг. Бошбекат ёнидаги дўкон эшиги очилмаганига яқинда роппа-роса бир йил тўлади. Эгасизлик сабаб дўкон пештоқидаги «Матбуот уюшмаси» деган ёзувини кўшни ошхонадан чиққан ёғ тутуни қорайтириб юборган. Баъзи йўловчилар эса бу ҳолдан ташвишга тушмоқда. Чунки улар илгари худди шу ердан газета ва журнал-

конларга бепасанд ва арзимас нарса сифатида қарашларида. Ваҳоланки, матбуот тарқатиш учоқлари ҳозирги маънавий поклиниш даврида сув билан ҳаводек зарур воситалар ҳисобланади. Негаки, ҳамма ҳам фалон пулга обуна бўлолмайди. Аммо кундалик матбуот нашрларини сотиб олишга қурби етади. Қолаверса, шунга эҳтиёж сезиб яшайди.

Уйлаймизки, Сурхондарёдаги газета дўконларини кўчириш мавсуми тезда барҳам топади.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«ХАВАР»нинг жамоатчи муҳбири

• ШУ СОНГА

ШОШИЛИНЧНОМАЛАР

«Наманган почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг Чуст туман филиали жамоаси «ХАВАР»га юз фоиз обуна бўлишди. Бошқа матбуот нашрларига ҳам обуна давом этмоқда.

«Наманган почтаси»
ҲЖнинг
Чуст филиали
иктисодчиси
РАҲМОНОВ

«Хоразм почтаси» ҳиссадорлик жамияти Қоровул филиали жамоаси 1999 йил учун севимли «ХАВАР» газетасига юз фоиз обуна бўлдилар.

«Хоразм почтаси»
ҲЖнинг
Қоровул филиали
бошлиғи
Й. МИРЗАЕВ

• Матбуотда «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

• Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да тўртинчи халқ истеъмол молларининг ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш жиҳозлари иккинчи халқаро кўргазмаси очилди.

• Жиззахлик спорт ишқибози, 62 ёшли Абдумурод ота Султонов Москва ҳамда Нижний Новгород шаҳарларида ўтказилган Осиё, Африка, Европа мамлакатларидан келган беш мингдан зиёд югурувчилар орасида Ўзбекистондан ягона вакил сифатида кузги халқаро тинчлик марафонида иштирок этди.

• Кучли ёмғир оқибатида юз берган сув тошқини ғарбий Украинадаги юздан ортиқ шаҳар ва қишлоқларга катта зарар етказди.

• Россияда Ярашиш ва тотувлик куни нишонланди.

• Афғон толибонлари раҳбарлари Қобулда ўнта халқаро инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини тиклашга рухсат этди. Халқаро ташкилотлар толибонлар талабларига кўра махсус биноларда иш юритишга розилик беришган.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• 1999 йил 1 июнга келиб Ер юзи аҳолиси 6 миллиард нафар, 15 ёшдан 24 ёшгача бўлганлар сони эса 1,05 миллиардга ташкил этар экан. БМТ 1999 йилнинг 16 июнини «Олти миллиард куни» деб эълон қилди. Агарда аҳоли миқдори шу кўрсаткичга етадиган бўлса, 2025 йилда Ер юзи фуқаролари 8 миллиард нафарни ташкил этади. Ҳозирда Осиё минтақасида 3,5 миллиард, Европада эса 729,4 миллион нафар аҳоли истиқомат қилаёттир.

• Исроил Бош вазири Б. Нетаняху Исроил-Фаластин муносабатлари кўриб чиқилиши мўлжалланган ҳукумат мажлисини номаълум муддатга кечиктиришга қарор қилди. Бунга фаластинликларнинг бир тўхтама келмаганлиги сабаб бўлди.

• Ҳиндистон Хитой билан ўртадаги баҳсли масалалар бўйича самарали расмий мулоқотни бошлашга тайёр эканлигини билдирди.

• Илгари хабар қилинганидек, Американинг «Дискавери» космик кемаси ерга қўнди. Бир ҳафтадан зиёд муддат мобайнида кема бортида 77 ёшли астронавт Жон Гленн ҳам парвоз қилди. У космосга парвоз қилган энг кекса астронавт бўлиб қолди.

• Обуна-99

Азиз муштарийлар!

«ХАВАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ

(Каталог нархи)

Якка тартибдаги обуначилар учун: 6 ойга 330 сўм, 1 йилга 660 сўм.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 227. Ташкилот ва корхоналар учун: 6 ойга 498 сўм, 1 йилга 996 сўм. НАШР КЎРСАТКИЧИ: 228.

Яқинда Испаниянинг Барселона шаҳрида хизмат сарфари билан бўлиб Бутундунё Улкан Миноралар Федерацияси (БУМФ)нинг ҳар йили ўтадиган мажлисида катнашдим. БУМФ 1989 йили Париждаги Эйфел минораси ташаббуси билан ташкил этилган ташкилотдир.

Федерациянинг мақсади дунё бўйича қурилган ва қурилаётган энг баланд, гўзал, архитектура жиҳатидан ноёб бўлган, техникавий ҳамда ишлаш усуллари бўйича қўйилган бир қатор талабларга жавоб берадиган қурилмаларни бирлаштириш ва уларни лойиҳалаштириш, қуриш, ишлатиш тажрибаларини ўрганиш ва тарғиб этишдир. Навбатдаги мажлисини Федерация ҳар йили ўз аъзоси бўлган бирон-бир улкан минорада ўтказилади. Бу йилги мажлис Барселонадаги «Торре де Корсерола» телеминорасида ўтказилди. Ҳозир Федерация аъзоси бўлган миноралар сони 24 тага етди. 1998 йилда улар сафарига Хитой Халқ республикасида яна икки телеминора — «Шанхай» ва «Марварид», Малайзиядаги «Куала Лумпур Менара» номли миноралар қўшилди. Ундан ташқари «кузатувчи» сифатида Федерацияга аъзо бўлиш мақсадида Исроилнинг «Ерусалим» минорасидан вакиллар катнашдилар.

Одатдагидек, мажлисда энг аввал Федерациянинг бир йиллик фаолияти бўйича Бош қотиби жаноб Ян Хардиннинг маърузасини тингладик. Сўнг янги аъзо бўлган минораларнинг тўрттасини батафсил «танишиш» маърузасини тинглаб, Федерация талабига асосан тайёрланган видеофильмларни томоша қилдик.

Мажлисининг учинчи ва тўртинчи кунлари Барселонанинг «Торре де Корсерола» телеминорасини бевосита кў-

риб, иш фаолияти билан танишиб чиқдик. Телеминора Корсерола тоғи денгиз сатҳидан 455 метр баландликда қурилган. Корсерола тоғи ўрта ер денгизи соҳилига параллел жойлашганлиги сабабли теле-

БУМФ — ЯНГИ АЪЗОЛАР КЎПАЙМОҚДА

минорадан денгиз жуда яхши кўриниб туради. Миноранинг баландлиги 288 метр, у асосий таянчга — диаметри 4,5 метр бўлган пўлат қувурга таяниб туради, мувозанатни кўп қаватли пўлат сим тортқичлар таъминлайди. Минора бир қарашда узокдаги улкан кема елканинг эслатади. У уч қисмдан иборат: асосий таянч — пўлат қувур 205 метр баландликкача кўтарилган, антенна қисми жойлашган 38 метр ва 45 метрлик диаметри камайиб борувчи конуссимон қувурлар ҳамда 13 қаватлик 84-152 метр баландликда жойлашган умумий майдони 5500 квадрат метрга тенг бўлган техник бинодир. Бинонинг ўнинчи қаватида (135,5 метр баландликда) томоша майдончаси жойлашган. Ундан ўрта ер денгизини, Барселона шаҳрини ва Каталония пасттексислигини кузатиш мумкин. Бизниқидан фарқи шундаки томоша майдончаси атрофи бўйлаб ҳар 5 метрда кўп марта катталаштирувчи монокллар ўрнатилган, улар ор-

қали томошабинлар бутун атрофини бемалол кўрадилар.

Томоша майдончасига уч томонли ойналлик ҳажми 20-30 киши (2000 кг) сиғадиган лифт кўтарари ва томошабин бемалол атрофини томоша қила олади. Иккинчи лифт фақат техник қаватларга кўтарилари. Минорага ишлатилган пўлат конструкцияларнинг умумий оғирлиги 3000 тоннани ташкил этади. Қурилмоннинг бош архитектори Нор-

бўлиб ўтган Бутундунё Олимпия ўйинлари бошланишида фойдаланишга топширилди. Корсерола телеминорасининг лойиҳаси ва қурилиши буюртмачи ҳамда ҳозирги эгаси чегараланган акциядорлик жамияти бўлиб, унда акциялар «Испания телефон компания»сига (42 фоиз), «Ретевижн» компаниясига (36 фоиз), телевизион компаниясига (17 фоиз) ҳамда «Метрополитен ва йўллар» шаҳар бошқармасига (5 фоиз) тегишлидир. Телеминора ишини фақат тўрт киши (бошлик, бош муҳандис, умумий ишлар бўйича бошлик ўринбосари ва қотиб) бошқарар экан, қолган ишчилар шартнома асосида ишлашади.


Мажлис жараёнида Барселона шаҳри мэри ва миноранинг асосий акциядори — Испания телефон компанияси — «Телефоника де Эспана»нинг бошлиғи мажлис қатнашчиларини расмий равишда қабул қилди. Мезбонларнинг тузган дастури бўйича Муסיқа саройида Европа классик муסיқаларини тингладик, фламенго — испан халқ рақсларини томоша қилдик, испан мусавири Салвадор Далининг уй-музейини бориб кўрдик. Бизда Испания ва унинг халқи тўғрисида катта таассурот қолди. Испан халқи кўп асрлик маданиятига эга бўлган меҳнатқаш ва сарамжон-саришта халқ эканлиги бизга аён бўлди.

Бутундунё Улкан Миноралари Федерацияси мажлиси ниҳоясида мажлис қатнашчилари Федерациянинг 1999 йилги иш режасини ҳамда 2000 йилни кутиб олиш дастурини тасдиқладилар.

Умида ҚОДИРОВА,
Тошкент
радиотелевизион
узатиш маркази
бошлиғи

ТАЙИНЛАШ

«Тошкент шаҳар теле-фон тармоғи» хиссдорлик жамиятининг умумий йиғи-



лишида мазкур жамият Кузатов Кенгаши тавсиясига кўра Саидақбар Аъзамови АЪЗАМОВ хиссдорлик жамиятининг бош директори этиб сайланди.

С. А. Аъзамов 1947 йили Тошкент вилоятининг Қибрай туманида дехқон оиласида туғилган. У ўрта мактабни тугатгач 1964 йили Тошкент ГРЭСида меҳнат фаолиятини бошлади. Орадан уч йил ўтгач С. Аъзамов Тошкент электротехника Алоқа институтининг кечки бўлимига ўқишга кирди. Ўқиш билан бирга у Тошкент телефон тармоғида электромонтёр, 62-АТСда линия муҳандиси, пойтахт телефон тармоғида ишлаб чиқариш гуруҳининг катта муҳандиси, линия кабель қурилмалари цехида бошлик бўлиб меҳнат қилди. 1978 йилдан эса Ҳамза телефон тармоқларида бош муҳандис, 1981 йили шу тармоқ бошлиғи сифатида фаолият кўрсатди. Тажрибали мутахассис 1986 йили Чилонзор телефон тармоғида бошлик этиб тайинланди ва ҳозирга қадар ушбу вазифада хизмат қилди. У 1984 йили номзодлик диссертациясини ёқлади. С. Аъзамов — оилали, уч нафар фарзанди бор.

АЛОҚАЧИЛИК ШАРАФЛИ КАСБ

Қишлоқнинг гавжум кўчаларидан бирида қўлида газета ва журнал тутган Раҳматуллолар бир гуруҳ кекса-ёш илиқ қарши олди:

— Ҳорманг, йигит!

— Қандай хушхабар келтирдирингиз?

Ўз навбатида хушчақчақ почтачи ҳам уларга ҳазил-мутойиба тарзида жавоб қайтарди. Одамлар чехрасидаги севинчдан кўнгли тоғдай кўтарилди. Алоқачиликдек шарафли касбни танлаб, хато қилмаганига ишонч ҳосил қилди. Раҳматулла Исомиддинов 23 йилдирки, шу соҳада фаолият кўрсатиб, катта-кичикнинг олқишига сазовор бўлмоқда. «Наманган почтаси» вилоят хиссдорлик жамиятининг Тошбулоқ бўлимида меҳнат фаолиятини давом эттираётган Раҳматулла айни пайтда Наманган тумани марказида жойлашган 25 та ташкилот, муассаса ва корхона, шунингдек 267 хонадонга 60 турдан зиёд турли-туман матбуот нашрлари, хат-хабар, нафақа пулларини ўз вақтида етказиб беришни таъминламоқда.

— Раҳматулла ҳозир обуна мавсумида жамоатчи обуначи сифатида ҳам фаол, — дейди қишлоқ фахрийларидан бири, нафақадаги ўқитувчи Абдуллажон Ҳожи Қодиров. — У ҳар йили менга қизикарли бўлган нашрларни уйимда расмийлаштириб, тегишли ҳоғозни беради. Барака топсин. Ҳаммамиз ундан миннатдоримиз.

Жамоадаги аҳиллик, зиммадаги масъулият ҳисси Р. Исомиддинов каби Б. Мўминов, И. Холиқов сингари ишчан хушхабарчиларни ҳам кўпчиликка танитди. Наманган туманида почта хизматининг чинакам фаолиятини бири сифатида тилга тушган Раҳматулла ҳар галги одатидек бугун ҳам янги келган газета ва журнал, хат-хабарларни олиб, қадрдон қишлоқ томон йўл олди. Чунки уни сабрсизлик билан кутаётганликларини яхши билади.

Б. ҚЎШМОНОВ,
Наманган вилояти



Мавлуда ФАТКУЛБЕЯНОВАнинг алоқа соҳасида меҳнат қилётганига 28 йил бўлди. Тажрибали телефончи айни пайтда «Жиззах Телеком» шўъба корхонасининг шаҳар филиалида аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсатмоқда.

Бахтиёр ТОШМАТОВ олган сурат

ҲАР КҮН ХИЗМАТДАМИЗ

Касбимиз оддий бўлса ҳам ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга. Чунки бизни фақат обуначилар эмас, балки нафақачилар ва нафақа олувчи оилалар ҳам интизорлик билан кутишади. Шу жиҳатдан олганимизда биз ҳар кун хизматдамиз десак хато бўлмайди.

Худудимизда 320 нафар нафақачи бор. Шу билан бирга 80 та хонадон ҳар хил нафақа олади. Уруш ва меҳнат фахрийлари Шердонбобо Эшқобилов, Бердихонбобо Шокиров, Бекбобо Шопўлатов каби ну-

ронийларимиз доимо бизни дуо қилишади. Уларнинг нафақа пулларини ҳар доим уйларига етказиб берамиз.

Ўзим ҳам, мана ўн беш йилдан бери шу соҳада ишлаб келяпман. Меҳнатим «Сурхондарё почтаси» хиссдорлик жамияти томонидан муносиб тақдирланиб турибди. Бундан кейин ҳам халқимиз хизмати-ни қилишга тайёриймиз.

Эрназар ҲОЗИЕВ,
Қумқўрғон туманидаги
87-Ҳўжамулқи алоқа
бўлими бошлиғи

ЭЪЛОН

Очик турдаги акциядорлик жамияти «Алском» сугурта компанияси акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 1998 йил 21 ноябрь кунли соат 10.00 да Тошкент шаҳар, А. Толстой кўчаси, 1-уйда ўтказилади.

КҮН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлик жамияти фаолиятининг жорий йилнинг тўққиз ойидаги асосий иш якунлари бўйича бош директор ҳисоботи.
 2. Жамият устав жамғармасини кўпайтириш ва акциядорлар ўртасида қўшимча акция эмиссиясини тақсимлаш тартиби.
 3. Кузатов Кенгашига сайлов.
 4. Акциядорлик жамияти билан бош директор ўртасидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш.
 5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатов Кенгаши, бошқарув ижроия органи ҳақидаги низоимларни тасдиқлаш.
 6. Бошқа масалалар.
- Акциядорларни рўйхатга олиш соат 9.00 да бошланади.

КУЗАТОВ КЕНГАШИ

ЧАРЧАШГА ВАҚТИ ЙЎҚ

Марям Исоқова Жума почта алоқа боғламасининг энг илғор ходимларидан биридир. У мазкур жамоага бундан йилгирма йил муқаддам келган. Дастлаб почта-чилик қилди. Келажакда шу соҳанинг ҳақиқий билимдонни бўлиш ниятида Тошкент Алоқа коллежининг почта хизмати бўлимининг сирдан ўқиб битирди. Саралаш бўлимида тажриба ортирган Марям Исоқова бир неча йиллардан бери операторлик вазифасини ўддалаб келяпти. Ишчан ҳодима ҳар кун 45-60 нафар мижозни қабул қилади. Ундан ибрат олиб ишлаётган Гулчеҳра Рустамова, Марзия Оразметова Аида Мирзаева сингари ҳамкасблари ҳам аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсатишмоқда.

Меҳнатига яраша муносиб тақдирланган оператор Марям Исоқова ўз касбининг яхши кўради. Шу боис ҳам, унинг асло чарчаша, зерикишга вақти йўқ.

**Насриддин
ЭШҚУВВАТОВ,**
Самарқанд вилояти

АҚЛЛИ ХОТИНЛАР ЭРЛАР БАХТҲ

Юсуф ТОВАСЛИЙ

Бир одам жуда ақлли ва одобли, ислом тарбияси олган қизга уйланди. Ул одам хонимидан жуда мамнун, уйларида галва, гавго йўқ.

Бу йигит бир куни дўстларининг ҳузурига борди. У ахлоқсиз одамларнинг хотинларини «ундай урдим, бундай урдим», деб мактанганларини эшитди. Йигит ҳайрат билан улардан сўради:

— Нега хотинларингизни урасиз? Хеч гуноҳи йўқ хотинни қандай қилиб уриб бўлади?

Дўстлари:

— Дунёда бундан осон нарса йўқ. Уйга бир қадок қийма гўшт олиб келасан. Қиймали суюқ овқат тайёрлаб келса, бошқа овқат ейишни хоҳлайман, дейсан, деб ақл ўргатибдилар.

Йигит эртасига кечкурун уйига келиб, дастурхон олдида ўтирди. Хоними қийма солиб тайёрланган шўрва олиб келди. Ул хотинига жеркиб:

— Мен картошка билан

қийма ейишни хоҳлайман, — деди.

— Қийма ҳам бор, — дейди хоними.

— Мен ток баргига ўралган қийма хоҳлардим.

— У ҳам бор.

Хожасининг одатларини

• Мерос

жуда яхши билган одобли хотин эри хуш кўрган барча нарсани қўлидан келганча ҳаракат қилиб тайёрлаган ва унинг кўнглини олган.

Йигит эртасига яна дўстлари олдида чиқди. Улар дарҳол қизиқиб сўрадилар:

— Нима бўлди? Хотинингизни қалтакладингизми?

Йигит бўлган воқеани айтган экан, дўстлари:

— Сен бахтли экансан, хотининг ақли, чаққон аёл экан, — дебдилар.

ИЗОҲ ВА ҲИТ

Албатта, хонимлар ақлларини хожаларининг қалбини қозониш, кўнглиларини олиш, севги ва меҳрига эришмоқ учун кўллашлари зарурдир. Ислом ахлоқи билан тарбияланган хонимлар Аллоҳни мамнун этмоқ учун, хожаларини мамнун этмоқликлари кераклигини биладилар.

Эрини мамнун этмаган хотиннинг ё ақли оз ёки фаҳми етарли эмасдир. Диний мезонлар ила ҳаракат қилиш, Аллоҳ, Пайгамбар ва хожаларини мамнун этиш, уларнинг севгисини қозониш ақлли хотинлар учун қийин иш эмасдир. Хотин эрининг қадрини билолса, унинг хурмати биландлигини англай олса, шу етарлидир.

Ишдан келсам, уйга кирар-кирмасдан хотиним қўлида шошилиночмо ушлаганича юзланди:

— Вой шўрим, Дурдонахон касал бўп қоптилар, нима қиламан, энди, оғир эмиш?!

Мен шошилиночмани ўқиб чиқдим-да раҳбаримга кўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирдим. У бир-икки кўнға рухсат берди, лекин бу ҳақда ариза ташлаб кетишимни айтди.

Тонг отиши билан эр-хотин иккаламит таксига чиқдик. Мен йўл-йўлакай ишхонага аризани ташлаб чиқиш учун қолдим: Хотин эса аэропорт

ни бир чеқкага имлади-да, чўнтагидан бир варақ қоғоз олиб, алланамаларни ёза бошлади.

— Қани паспортларни олинг-чи!

Биз унга икки паспортни узатдик. У паспортлар ичига икки юзталикни солиб, пулнинг чекасини сал кўрсатиб қўйди.

— Мана, опажон бажонидил. Энди хизмат — беминнат дейишган...

Хотиним бир сиким элли-талики мўйловга узатди.

— Яхшилигингизни бир умр

СИРЛИ ҚОҒОЗ

кассасига йўл олди.

Ишни битириб, аэропорт залига яқинлашим билан хотиним олдимга югуриб келди.

— Нима қиламиз энди, патта йўқ эмиш?!

— Нега йўқ бўлар экан, бошлиғига шошилиночмани кўрсатмадингизми?

— Нимага кўрсатмас эканман. Кўрсатдим. Мухри йўқ эмиш.

У пиқиллаб йўғлай бошлади. Шу хотинларнинг кўз ёшидан асрасин-да! Нима дейишимни билмай жим қолдим.

Бизларнинг ҳолатимизни зимдан кузатиб турган кўринади, бир мўйловдор, ингичка йигит ёнимизда пайдо бўлди.

— Хўв опажон, шунга ҳам азият чекасизми? Оламда чорасиз нарса йўқ. Фақат муллажирингдан бўлса бас.

Мен мўйловга ёвқараш қилдим. Оғзимга келганини айтмоқчи бўлдим-у, лекин хотинимнинг унга ёлвориб билан қараш фикримдан қайтарди.

— Айланай укажон, бир иложини қилинг, чикимидан қайтмаймиз ўргулай.

«Хожатбарор» йигит бизлар-

унутмайман укажон, барака топинг.

Мўйловдор йигит паспортлар ҳамда ичига бир нималар ёзилган ҳалиги қоғозни менга тутқазди-да:

— Мана акажон, энди кассага борсангиз бўлди. Патта чўнтакда даяверинг. Лекин сиздан илтимос, бирон оғиз сўз айта кўрманг, ҳаммаси хатда келишилган. Мен кассага бордим...

Мўйжиза рўй берди, кассир иккита паттани шартта ёзиб менга узатди. Мен қувониб кетганимдан:

— Раҳмат, сингилжон, раҳмат умрингиздан барака толинг! — деб юборибман.

Кассир менга ола-қўла кўзлари билан бир қаради-ю, йиқилишига сал қолди. Мен тезда хотиним билан самолёт томон йўл олдим. Самолёт юмшоқ креслосига ўтириб олдим-да, ўша қоғозда қандай сирли сўз ёзилган экан, деган ният билан қоғозни очиб кўрдим. Не кўз билан кўрайки, унда: «Мен соқовман, тезда Тошкентга ўчишим зарур! Қайтим талаб қилмайман», деб ёзилган эди.

Раҳимжон БОЛТАБОВ

МУОМАЛА ОДОБИ

• Кўпол муомалали кишиларга ҳам яхши муомала билан жавоб қайтаринг.

• Бир нарсадан хафаланиб, аччиғингиз келиб турган вақтда ҳеч ким билан сўзлашманг, аччиғингиз босилунча сабр қилиб туринг. Одамларнинг камчиликларини кечиринг, ҳар ишда фикр қилиш ва эътибор беришни унутманг.

• Одамларга аралашмай, бир четда турманг. Ким учраса, текширмай-нетмай дарҳол оғиз-бурун ўпишиб дўст бўлиб кетманг. Ҳар ишда хур фикрли, тўғри сўзли бўлинг, тилингиз ва дилингиз бир бўлсин.

• Узингиздан кичикларни хўрланманг, ақлингиз билан ва мартабангиз билан мактанманг, балки ўз мартабангиз ва бошқаларнинг мартабаларини яхши тушуниб, ҳар кимнинг ўзига муносиб муомала қилинг.

• Халқнинг гўзал муомала қилишини истасангиз, аввал ўзингиз уларга гўзал муомала қилинг. «Одамлар мени ёқтирмасалар, ёқтирмай қўя қолсинлар, нима ишим бор» демасдан, балки улар билан дўст бўлиш йўларини изланг. Одамларга муҳаббатли бўлишингиз сабабли камолатингиз ҳеч зое кетмайди.

• Одамларга яхши ишларни сўзланг, ёмон ишларни яширинг. Одамлар билан муомалангиз шундай бўлсинки, ҳаётингизда сизни севсинлар, вафот этганингиздан кейин сизни эслаб қайғурсинлар.

• Жуда зарур бўлиб қолган вақтдагина халқдан ёрдам сўраш мумкин-дир, бошқа вақтда халқнинг устига юк бўлиб туриш тўғри эмас. Шунинг учун халққа ўз оғирлигингизни солманг, уларнинг молларига тама қилманг, ўзингиз ишланг, меҳнат қилинг, ризқ-рузингизни ўз меҳнатингиз орқасидан толинг.

• Бир ишни бажаришга аҳд қилдингизми, сўзингизнинг устидан чиқинг, ваъдангизга вафо қилинг. Ким билан дўст бўлсангиз, дўстликка содиқ бўлинг. Одамларнинг шодлиқларидан шодланг, қайғуларидан қайғуланг. Узингиз севмаган нарсани бошқаларга раво кўрманг.

«ДОНОЛАР ОДОБ ҲАҚИДА» китобидан



• Бу — қизиқ

КОЛУМБНИНГ ЯНГИ ҚАШФИЁТИ

Атлантика океанидан узоқ ва қийин масофани босиб ўтаётган Колумб ўз одамлари билан Гваделупа оролида тўхтади. У ерда улар ўзарига бутунлай бегона бўлган мевани топишди. Унинг хуштавмлиги сайёҳларни лол қолдирди. Улар мевага «нана» деб ном қўядилар. Бу мева ҳозир бутун дунёда энг яхши мева турларидан бири ҳисобланмиш ананас бўлган экан.

МУАССИС:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир
Ўринбосари
Иzzат АХМЕДОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдувоҳид ЖўРАБОВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Шодмон ОТАБЕК
(Бош муҳаррир)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВЕВ
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўрибой АХМЕДОВ
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧАҚИДИ

Муҳарририятга келган қўлбамалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-0526. 8245 нусхада чоп этилди.
Ўфсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширидан — 19.00
Босишга топшириш вақти — 21.00

